



ЎРРИЯТ

1-7 ноябрь
2000 йил

44 (197) - сон

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА


Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

РИСОЛА

ЙУЛ ИСТАБИ...

Миллий ғоя, демократия ахборот эркинлигисиз қўлга киритилмайди



Инсоният тарихи йўл ва йўлсизликдан иборат. Чунки онгли инсон борки, ўзи учун, оиласи учун, жамоатчилик ва жамият учун йўл излайди. Йўл излашдан қўзланган бош мақсад мудоа аниқ: яхши яшаш, фаровон яшаш, узоқроқ яшаш, инсоний яшаш. Умумлаштириб айтганда, илохий китоблардан тортиб ахли донишлар яратиб қолдирган маънавий меросларнинг бари пировардида мана шу мақсадларга қаратилгандир. Яхши, фаровон, узоқ ва инсоний яшаш шунчалик мушкулми, деган савол туғилади. Не-не буюқ ва бетакрор ақл эгалари ҳаётини дасуруламал яратган бўлмасинлар, ҳар бир замон, ҳар бир янги давр, ижтимоий шарт-шароит одамлар олдида янги-янги муаммоларни кўндаланг қўяверади.



Оила қувончига не етсин!..

ИЗЛАНИШ

КАРМАНА ТАРИХИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг бир гуруҳ олимлари қадимий Кармана шаҳри тарихи ва ёшани аниқлаш мақсадида қазимша ишларини бошлаб юбордилар.

Кармана ҳам бошқа Марказий Осиё шаҳарлари қатори ўзининг узоқ тарихига эга. Ана шу тарихий жараёнда шаҳар бир жойдан бошқа жойга бир неча марта қўнган. Бунга иккинчи, маданий ривожланиш ва бошқинчилик урушлари асосий сабаб бўлган. Археологлар олдида турган вазифа Кармана қачондан бошлаб шаҳар бўлиб шаклланиши, унинг ривожланиш жараёнини тарихий жиҳатдан аниқлаш ва Кармананинг қаровон йўлида тугган ўрнини кўрсатиб беришдан иборат эди.

Гуруҳ аъзолари Кармана шаҳри ҳудудининг бир неча жойида, яъни шаҳарнинг шарқий қисмидаги 6-мактаб ёнидаги Бургуттепа қадимий шаҳарчасида, Зарафшон бўйидаги қўна қўғонда ва шаҳар марказидаги арқада изланиш ишларини олиб боришмоқда.

Едга олинган ёлгорликлардан бугунги кунда энг яхши сақлангани Бурхон Эсонов номидagi 6-мактаб ёнида жойлашган эски номи Худойкул тепалиги икки минг йиллик тарихга эга бўлган Бургут қалъа бўлиб чиқди. У ердан 2,5 минг йиллик тарихга эга уй-рўзгор буюмлари, сопол идишлар, меҳнат қуроллари ва қалъа гишлари текшириш учун илмий текширишлар институтига юборилди.

Қазимша ишларида Кармана археология гуруҳи бошлиғи, тарих фанлари номзоди Мухиддин Хўжазаров, катта илмий ходим, тарих фанлари номзоди А.Грицина ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Бундай тарихий жойларнинг очилиши аждодларимиз буюқ шахс ва аллома бўлиб етишганлигидан дарак беради. Буларнинг барчаси биз ёшларнинг фахри...

Азамат ЗАРИПОВ,

ЎзМУ журналистика факультети 1-босқич талабаси

ХАБАР

АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон давлат тиллари университети халқаро журналистика факультетида шоир ва ёзувчилар, таниқли журналистлар, тахририят жамоалари билан учрашувлар ўтказиш аънава тусини олмақда. Тахририят жамоалари билан уюштирилган учрашув талабаларнинг журналистик касбига бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилса, ижодкорлар билан бўладиган учрашувлар уларни ижод сирлари билан яқиндан ошно бўлишга ундаши табиий. Таниқли ёзувчи Ўткир Хошимовнинг халқаро журналистика факультетида тахририят ана шу жиҳати билан талабаларни қувонтирди.

Муҳтарам адибимиз ҳам илгга чанқок ёшлар билан дилдан суҳбатлашгани кўндаланг соғинган эканлар шекилли, учрашув жуда самимий кетди.

Учрашувда сузга чиққанлар — "Миллий тикланиш" демократик партияси раҳбари, таниқли адиб ва таржимон Иброҳим Ғабдулов ҳамда адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов талабаларни Ўткир Хошимовнинг ижод йўли билан яқиндан таништирдилар.

Муҳтарам меҳмонни талабалар шу пайтгача ажойиб ҳикоя, қисса ва романлар муаллифи сифатида таниган бўлсалар, ушбу учрашув шарофати билан у кишининг қалами Ўткир журналист эканини ҳам яхши билиб олдилар.

НАЗОКАТ,

ФОЗИЛА,

ЎзДЖТУ толибалари

ТАДБИР

ҚУШЛАРГА ВИЗА КЕРАК ЭМАС!

30 октябрь кунин "Дийдор" галереясида Исроил элчихонаси "Қушлар чегара билмайди" широри остида фотосуратлар кўргазмаси расмий очилиш маросимини ўтказди. Кўргазма 3 ноябргача давом этади.

Навбатдаги кўргазма қушлар миграцияси ҳақида бўлиб, унда Йоси Эшболь, Игаль Ливни, Офер Леви ва бошқа суратқашлар олган 30 га яқин фотосурат намойиш этилди.

Кўргазмага таширф буюрган Исроилнинг Ўзбекистондаги элчиси Ноах Галь Гендлер Исроил ориентологлар учун қушлар миграциясини томоша қилишга энг қулай жойлардан бири эканлигини айтди.

Оврўпа, Осиё ва Африка минтақалари ўртасида жойлашган Исроил давлати устидан йилда икки мартаба 500 миллионга яқин бургут, чайка, пеликан, қалдирғоч,

лайлак ва бошқа қушлар тўдаси учиб ўтади. Исроилда қушларни химоя қиладиган қонунлар мажмуи. Уларнинг миграцияси спутник радар ёрдамида ўрганилади. Қушлар савҳатини ўрганишдан яна бир мақсад, улар Исроил ҳаво қушлари учун муаммо туғдиради. Хавода тўқнашган самолётлар ва қушлар самолётлар фалокати ва қушларнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Яқин Шарқда моҳирлар бўлиб ўтаётган бир пайтда, тинчлик рамзини билдирган қушлар кўргазма мавзуси деб таъинланиши бежиз эмас, деган фикр туғилиши мумкин. Исроил элчиси кўргазма олти ой олдин режалаштирилганлигини ва унинг Яқин Шарқ воқеаларига дахли йўқлигини айтди.

Ўтган кўргазмаларда табиат манзаралари, Исроил давлатининг ҳаводан олинган фотосуратлари ва бадиий суратлар ўрин олган.

ҲАМКОРЛИК

ЯНГИПАНАЁТГАН БИЗНЕС АПОҚАЛАР

Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлар уюшмаси (УТИД) 16—17 октябрда Туркия Президенти Аҳмет Сезернинг Ўзбекистонга таширифи натижалари ҳақида ўртоқлашиш мақсадида ОАВ ходимлари учун матбуот анжуманини ўтказди.

Анжумани УТИД бош директори Жадида Балабекова очди ва уюшма раиси Жаҳид Гирифтонўгли УТИД фаолияти ҳақида батафсил сўзлади.

1995 йил май ойида ташкил тоналган бу уюшма Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги инвестиция ва савдо ҳажмларини кўпайтириш ҳамда дўстлик ва ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида таъсис этилган.

Уюшмага 70 дан ортик

ўзбек ва хорижий ишбилармонлар ҳамкорлигидаги қўша қорхоналар аъзо бўлган. УТИД ишбилармонларнинг манфаатларини химоя қилиш, тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, давлат қонунчилигини тушунириш ва инвестиция ҳажмини кўпайтириш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Музокаралар давомида Президентлар Исроил Каримов ва Аҳмет Сезер давлатларимиз савдо алмашув ҳажми қилиниги таъкидлади. Гирифтонўгли тадбиркорлар айрим хатоларга йўл қўйганлигини, баёнотдан керакли хулосалар олганлигини ва келаси йилларда савдо ҳажмини оширишини айтди.

"ЎРРИЯТ"ИМ — ҲУР НИЯТИМ"

Яқингина сирдошим, ўксинганда дилдошим, дардимга берар таскин, "Ўррият"дир йўлдошим.

Эркиннинг ширин таъмини, Шейрият чаманини Онамдайин танитган, "Ўрриятим"дир маним.

Бошга қўйган меҳмоним, Санъаткорим, деҳқоним. Мафтун этган шеваси, Булбулим — суҳандоним.

Узатган ой қизимдай, Соғинганим кезимда, Йўқлаб қолган ойдиним — Жон уйғоран сезгимда.

Дунё билан тиллашиб, Онамдайин сирлашиб, Хонадоним бор ахли, Сабоқ олар бирлашиб.

"Ўррият"дек дўстидан, Ҳақиқатгўй сўзидан Дуога қистирдим гап: Айирмасин ўзидан.

Шарофат БОТИРОВА

НАШР

"ҲИДОУАТ"ГА ЧОРЛАБ

Мусулмон инсон доимо Аллоҳнинг шариатида мувофиқ иш қилмоғи лозим

Ўзбекистон мусулмонларининг ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри бўлиши "ҲИДОУАТ" журналининг навбатдаги 6-сонини нардан чиқди. Журналининг бу сонини Соғлом авлод йилга бағишланади. Даставвал Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уломолар кенгашининг Сурхондарё вилояти Узун ва Саросиё туманларидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон фуқароларига мурожаатномаси баён қилинган.

Маълумки, юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида жуда қўнлаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Журналдан ана шу тадбирлар ҳақидаги қизиқарли суҳбат ва учрашувларга ҳам ўрин берилган. Шунингдек, фар-



занд тарбияси, оналар саломатлигини тиклаш, гиёҳвандликка қарши кураш каби

долзарб масалаларга бағишланган суҳбат ва мақолаларнинг барчасида Қуръонни Қарим оятларидан, Паёмбаримиз (с.а.в.) ҳадисларидан мисоллар келтирилганки, бу нарсалар журналхонларни бепарқ қолдиради. Табиийки, бундай қаҳриқлар кишиларни гоҳлик ва маънавий поклик сари етаклайди.

Нафис беазқлар билан жилланган аёллар саҳифасида эса фикхий масалалар бўйича батафсил маълумотлар берилган. Уқувчилар бу саҳифа орқали фикхий масалалар бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишлари мумкин бўлади.

"Тадқиқот", "Дил извори", "Тақлиф", "Муносабат", "Қуръон ва фан" каби рунларда берилган илмий-адабий мақолалар ҳам кишига

олам-олам маънавий ва маданий хордик бахш этиши шубҳасиз. "Дам олиш саҳифаси"дан эса зукко ўқувчилар учун бошқотирма ва ёзувтошмоқлар ўрин олган. Журналининг ўтган сонидан бошлаб Исроил тарихи, ақлида са ва фикҳига оид жами савкизта боқидан иборат бўлган саволлар туркуми бериб берилмоқда. Хар бир боқидан йиғирмадан савол бор. Ғойиблар йил охирида тахририятнинг махсус савгаси билан тақдирланади.

Бир сўз билан айтганда, журналининг янги сони ҳам инсонларнинг ҳидоят йўлига чорлаб, уларни тарихий меросимиздан, Исроил дини таълимотидан баҳраманд этишга ўз ҳиссасини қўшиши аниқ.

Шаҳноза ҒОИПОВА

ОБУНА — 2001

"ЎРРИЯТ"СИЗ КУНИМ ЎТМАЙДИ..."

"Ўррият" хонадонимизга мунтазам "ўз овғи" билан кириб келади. Аниқроғи, биз уни ҳар чоршанба кунини эрта-лаб самолётдан кутиб оламиз. Қандай қилиб, деб ҳайрон бўлаётганимизни сезиб турибмиз.

Қамона севишли газета-магзининг "обуна даввати"га маълум ва мақбул "ихтиро" топилмади. Уйланиб-ўйланиб ўз оилавий тахриратбинини кўпчилик газетхонлар билан баҳам қўришни лозим топдим. Маълумки, қизлоқларга газеталар 3-4 кун ва баъзида бир ҳафта кечикиб келтирилади. У ҳам етмаганида, кўпчилик эзилган газетани ёки журнал эгасига оилаб тегмайди.

Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик. Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хонадонимиздан 2-3 қақирим масофадаги газета дўкони орқали хоҳлаган нашрни бугун йил давомида олишга эришмоқдамиз. Яъни, обуна виллоят матбуот тарқатиш уюшмаси орқали расмийлаштирилди ва бирон-бир газетани дўкони орқали олиб туриш белгиланади. Бу усул почта орқали газета-журнал куттишдан юз чандон осон ва арзон. Чунки матбуот тарқатиш уюшмалари сотувга чиқариладиган нашрларни ўша кунини самолётдан кутиб олади. Сиз эзилган севишли нашр ҳам ўша кунини қўлингизга тегди. Дўкон мудири Бу қусур, табиийки, одамларни ранжитида. Биз бундай кўнгилсизликдан қутулиш йўли — газета ҳамда журнални ўз вақтида ва мунтазам олиб туришни ҳал қилдик.

Хуршид ДУСТМУХАММАД

Россия марказий банки маълумотида кўра, ўтган йилнинг 1 январидан мамлакатда 1476 та банк фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йил 1 январидан 127 таси қисқарган ҳолда, 1349 та банк иш юритган, холос.

КҮЛЭС

РАҚАМ

Миссисипи дарёси ҳавзасида яшовчи аҳоли жинсий заифлик ва бепуштликни 50 грамм лой ейиш билан даволаркан.

Т. МУШИНОВ ЧИЗГАН

МАТБУОТ

“ИОМИУРИ СИМБУН” — ЖАҲОНДА БИРИНЧИ

7200 ходим ишлайдиган, бир кунлик адади 14,5 миллиондан ошган, Гиннесснинг рекордлар китобидан ўрин олган газета

Япония нафақат иқтисодий юксалиш, жумладан, оммавий ахборот воситалари тараққиёти жиҳатидан ҳам ўзига хос ибратли йўлни босиб ўтган мамлакатдир. Бугунги кунда Японияда 400 дан зиёд газета чоп этилади. Улардан 108 таси мамлакат бўйлаб тарқаладиган кундалик нашрлардир.

“Иомиури Симбун”, “Асахи Симбун”, “Майнити Симбун”, “Нихон Кейзай Симбун”, “Санкей Симбун” каби 5 газета умуммиллий газета ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатда 5 та минтақавий, юздан зиёд ихтисослашган, 200 дан зиёд маҳаллий газета бор.

Япония чоп этиладиган газеталар умумий нусхаси жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради. Бу ерда кунига 72 миллион 410 минг нусхада газета чоп этилиб, ҳар минг кишига 576 нусхадан тўғри келади. Газеталар нусхаси қўлплги жиҳатидан АҚШ жаҳонда иккинчи бўлса (56 миллион 730 минг), аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Германия иккинчи ўриндадир (ҳар минг кишига 306 нусха).

Япония газетачилигининг тарихи XVII асрга бориб тақалади. Дастлаб Осака шаҳрида юмшоқ лойдан қолип ясашиб, хумдонда куйдириш асосида ибтидоий усулда бунёд бўлган “кавабаран” деб номланган газеталар чиқа бошлаган. У ҳар гал алоҳида ном билан аталиб, аниқ бир воқеа-ҳодисага, мавзуга бағишланган. Европа русумидаги газеталар пайдо бўлгунча орадан яна 200 йилча вақт ўтди. Улар ҳам асосан таржима нашрлари эди.

Ана шундай нашр инглиз А.В.Хансард томонидан 1861 йилда Нагасакида чоп этилган “Nagasaki Shipping List and Advertiser” газетаси эди. 1862 йилдан эса Токугава сўғунлигида Голландия ҳукумати Индонезияда чиқарадиган “Javasse Courant” газетаси таржимасидан иборат бўлган “Kampal Batabiya Shimbun” газетаси чоп этила бошлади.

Аммо Япониянинг ҳақиқий миллий газетаси “Июкогама Симбун” ҳисобланади. У 1871 йилнинг 28 январидан бошлаб ҳар кун чоп этила бошлади. Уша кездеги янги газеталар, одатда, миллий парламент, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги тўғрисида кўпроқ ёздирилди. Миллий парламент шаклланиши жараёнида сиёсий партияларнинг янги мазмун билан бойитилган нашрлари дунёга келди. Бундай йирик газеталар япончада “ошимбун”, яъни, “катта газеталар” деб аталади. Кичик ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган газеталар эса “кошимбун” дея аталар, улар ўз саҳифаларида маҳаллий янгиликлардан ташқари, кизикarli қишлоқлар, нарий асарлар бериб бориши билан характерли эди.

Бугунги Япония матбуотининг чинакам сардори дейиш мумкин бўлган “Иомиури Симбун” 1874 йилдан бошлаб Токиода нашр этила бошлади. Газета яқинда узининг 125 йиллик юбилейини нишонлади.

Тахририятга таширф буюрганимизда, бизни халқаро алоқалар менежери жаноб Шоичи Насу қўлиб олди. Дастлаб танишувдан сўнг эсдалик учун суратга тушилга, газета фаолияти ҳақида ишлаган қисқа фильми томоша қилдик. Шундан сўнг ҳамкасбларимиз билан бўлган суҳбат

Цунео Ватанабе. — Бу — бозор иқтисодиёти тамойилларига сadoқат, парламент демократиясини ҳимоялаш, инсон ҳуқуқларига қўрматдан иборат. Кўпгина газеталар хануз журналистик, номантиқий фикрларни тақдорлаб юрибдилар. Фақат “Иомиури Симбун”гина миллий фаровонлики ва халқнинг ҳаёт андозаларини юксалтириш мақсадида гоё билан реал воқеалик ўртасидаги мутаносибликка ҳаракат қилмоқда.”

Газета раҳбарияти ўз ютуқларини ҳам ана шу тамойилларга оғишмай амал қилишда деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, уруш якунига етган йилларга газета ўз тиражини 1,6 миллионга етказган бўлса, бугунги кунга келиб, суҳбадман нашрининг адади 10,3 миллион нусхадан ошди.

Газета мамлакатнинг турли чеккаларига жойлашган 22 та босмахонада чоп этилади ва зудликда ўз ўқувчиларига етказиб берилди. Яқин келажакда яна 2 босмахона ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Газета муштарийлар билан мустақам алоқа ўрнатган. Тахририятга 1999 йилда муштарийлардан 47 минг 927 та мактуб келгани ҳам ана шундан далолат беради.

— Газетанинг 1 ойлик обуна нархи 3930 йен — қарий 40 долларга тенг, — дейди биз билан суҳбатда бир неча йиллар Россияда мухбир сифатида ишлаган, айни чоқда ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Комото Акисава. — Бироқ, қилинган ҳаракатлар ўзини қопламайди. Шунинг учун рекламага алоҳида аҳамият берамиз.

Дарҳақиқат, Япониядаги йирик газеталар асосан тонги нашрларининг 24-32 саҳифасини, оқшомги нашрларининг 12-20 саҳифасини реклама учун ажратдилар. Бу газета умумий ҳажмининг қарий 40 фоизини ташкил этади.

1995 йилда Японияда рекламадан жами 5 миллиард 426 миллион 300 минг йен фойда қўрилган бўлса, бу маблагнинг 21,5 фоизи газеталар ҳиссасига, 32,3 фоизи телевидение, 6,9 фоизи журналлар, 3,8 фоизи радио ва 35,5 фоизи бошқалар ҳиссасига тўғри келади.

“Иомиури” ўз ходимларига қанчадан қалам ҳақи тўлайди? Ҳамкасбларимиз бу саволга биз учун қўлимиздан жавобни беришди. Маълум бўлишича, газета ўз ходимларига фақат маош тўларкан, холос. Уларда қалам ҳақи берилмас экан.

— Янги иш бошлаган ходим бизда 25000-30000 йен атрофида маош олади. Тажрибасизга, маҳоратига қараб бу рақам бир неча баробар ортиб боради. Бироқ, бизда яна йилда 2 марта бериладиган бонус бор. Бу сизлардаги муқофот пулига ўхшайди, — дейди К.Акисава. — Унинг ҳажми икки-уч маош миқдорига тўғри келади. Ҳар ҳолда, Японияда журналистлар маошдан нолимайдилар. Лекин меҳнатлар ҳам шунга яраша. Кечани кеча, кундузни кундуз демай янгилик илинжида елиб-юғуриб юришади.

Иккинчи жаҳон уруши якун топган даврдан бундан бизнинг газетамиз ўш тамойилга қаттиқ амал қилади, — дейди “Иомиури Симбун” Президенти ва Бош мухаррири

Амирқул КАРИМ

— Жаҳонда кун сайин телевидениенинг, интернет ахборот тармоғининг мавқеи ошиб борапти. Бу газеталарга бўлган эҳтиёжнинг суъайишига олиб келмасмикан? — дея савол бераман.

— Бу хавотир биз учун янгилик эмас. Қолаверса, интернетда биз ҳам ўз саҳифамизга оғамиз. Бироқ газета нусхаси камаяётгани йўқ. Аксинча, кўпаймоқда.

— Сиз учун, қолаверса, япониялик журналист учун журналистика нима? Кун кеириш манбаими, худо берган “дард”ми ёки Ватанга хизмат қилиш бурчими?

— Мен учун журналистика — ўзлики намоён этиш шакли. Кун ўтказиш, яшау учун ҳаммага маблаг керак. Лекин мен ўзимнинг бу касбини танлашимда камида 50 фоиз Ватанимга, халқимга хизмат қилиш бурчи, масъулияти сабаб бўлди, десам ишоним.

— Мен Москвада, Нью-Йоркда анча йил мухбир бўлиб ишладим. Стратегия ва ядровий қуролларни йўқ қилиш, ядровий қуролсизланиш масаласи мени қизиқтирган мавзу бўлиб қолди. Инсоният Юрисима ва Нагасаки фожасини бошдан кечирмаслигига ҳисса қўшиш ҳаётим маслагига. Бу борада бирор фойдали иш қилолган бўлсам гоё бахтлиман.


— Уш мақолангиз газетдада ўқиб завқини бу шавқни туйиб кўрган одамдан сўранг. Шу завқ сизни ўз оғушига олдим, маблаг туғул ҳаётинг қавф остидалиги ҳам кўзингга кўринмайди. Қолаверса, Японияда халқ журналистларни гоё ҳурмат қилади.

— Суҳбатдан сўнг босмахонада кечки нашрининг чоп этилиши жараёни билан танишдик. Менга бу жараён технология жиҳатидан бизникидан анча фарқи йўқдек туюлди. Хайрлашув олгидан яна обуна, газета сотиш муаммолари, кадрлар тайёрлаш масаласи ҳақида суҳбатлашдик.

Ҳамкасбларимиз Японияда миллий журналист кадрлар тайёрлаш борасида муаммолар борлигини, бу билан ҳар бир оммавий ахборот воситаси алоҳида шуғулланаятгани, умуммиллий дастур етишмаслиги ҳусусида сўзлашди.

Шунда мен бу борадаги мамлакатимиз тажрибаси, икки университетда махсус факультетлар борлиги, талабаларни ўқитишга малакали амалиётчи журналистлар жалб этилгани, талабалар ўқиб юрген даврларидек юртимиздаги ахборот воситалари, радио ва телевидениеда амалиёт тажрибалилари ўтказиши ҳақида гапириб бердим. Япониялик ҳамкасблар Ўзбекистондан мана шу ибратли жиҳатларни ўрганса арзир эканини таъкидлашди.

Тошкент—Токио—Тошкент



Дилнора АЗИМОВА, “Хуррият” мухбири

САНА
БМТ: ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ



Дунёнинг турли минтақаларида уруш ва можаролар бўлиб ўтаётган бир вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ туғилган кунини нишонлади. БМТ тарихига назар ташласак, ташкилот 1945 йилда АҚШ Президенти Франклин Рузвельт таклифи билан барпо этилди. Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль ва собиқ Совет Иттифоқи раҳбари Иосиф Сталин 1945 йил Ялтада халқаро ташкилот тузиш режасини кўриб чиқдилар. Уша йили июнь ойида Сан-Франциско анжуманида БМТнинг Нишони қабул қилинди. 2-Жаҳон уруши ниҳоясида дунёда тинчликни сақлаш ва урушларнинг олдини олиш мақсадида яратилган ташкилотга 51 мамлакат кирганди. Ҳозирги кунда 188 мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир.

Ташкилотда расмий тил олтига — араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тиллари бўлиб, БМТда иш икки тилда — инглиз ва француз тилида олиб борилади. Ташкил қилинган кундан бунён БМТ дунёда тинчликни қўллаб-қувватлаш, мамлакатлараро дўстона муносабатларни ривожлантириш, қашшоқлар ҳаётини яхшилаш ва шахсларни тақдирлаш каби мақсадлар йўлида давлатларга ёрдам берадиган марказга айланишга аҳд қилган.

Халқаро ташкилотнинг олтиадораси — Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий-ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича Кенгаш, Халқаро суд ва Котибият бўлиб, улар БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида жойлашган.

Фақат Халқаро суд идораси Нидерландиянинг пойтахти Гаага шаҳрида жойлашган. Ташкилот ҳеч қандай даромад манбаига эга эмас. Аъзо мамлакатлар БМТ қилаётган ишларининг ҳақини тўлайди.

Олдинга қўйган мақсадларини адо этиш учун БМТ ҳозирги кунга келиб ўз фаолиятларини кенгайтди ва қўллаб-қувватлашга жамғармалар яратди.

Ташкилот дунёнинг ҳар бир нуқтасига кириб борган ва одамлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, БМТнинг Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) касал тарқатувчи вирусларни йўқотиш учун курашда ва болалар соғлиғига гамҳурилик қилади.

Еки, одамларнинг таомлари ва мактаб ўқувчиларининг егуликлари БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиқ ташкилоти (ФАО) белгиланган қўшимча оғват мевёлари асосида тайёрланади. Ундан ташқари халқаро ташкилот атроф-муҳитни ҳимоя қилади, фавқулодда ҳолатлар юз берганда ва мамлакатларда адолатли сайловларни кузатиб, демократиялашда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотга аъзо бўлган кунидан бери (2 март, 1992 й.) БМТнинг мддий ва техник ёрдами билан ҳамда дастурлари асосида мамлакатда қўллаб ишлар қилинди. Масалан, БМТнинг таълим, илм ва маданият ташкилоти (ЮНЕСКО) ташаббуси билан бир қатор олий ўқув юртиларида (ЎЗМУ, ЖИДУ, ТошДУ) астрономия, физика, инсон ҳуқуқлари кафедралари очилди. Бухоро ва Хива шаҳарлари ЮНЕСКО умумжаҳон рўйхатида киритилди. Бу йил Ўзбекистон Ислон университетиде жаҳон динларига оид анжуман ўтказилди.

Утган ойда БМТнинг наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ижрочи директори Пино Арпаки раҳбарлигида наркотик моддаларнинг урта Осиё минтақаси орқали бошқа мамлакатларга олиб ўтилишига қарши курашишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуман БМТ кунини Ўзбекистонда нишонлаш тадбирларидан бири бўлиб, БМТ ҳақида ўзбек тилида китоб чикиши ва марказий кўргазма залида “Маширку мағриб, замон ичра мулоқот” кўргазмасининг ўтказилиши БМТ кунини дастурларидан ўрин олди.

Айрим мамлакатлар БМТ АҚШ таъсири остида ишлаганини таъкидлайди. 9 октябрь кунини Эй-Би-Сининг “Хайрли тонг, Америка!” теледурасида АҚШ Давлат Котиби Мадлен Олбрайтдан “БМТ Югославиядан санкцияларни олиб ташлайдими?” деб сўраганда, Олбрайт:

— Бунини БМТ ҳал қилайди. Европа давлатлари ва АҚШ-гина қарор чикариши мумкин, — деб жавоб берганди.

Бу йилги “Минг йиллик саммити”да БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг таркиб тәкид қилинганди. Бу Кенгашга 15 давлат аъзо, улардан бештаси — Хитой, Франция, Россия, Бирлашган Қироллик ва АҚШ эса доимий аъзодир.

МАШҲУРЛИК
ЭНГ ТАНИҚЛИ
ФРАНЦУЗ

Тарихда илк бор энг таниқли француз деб ўзга миллат вакили тан олинди. Ижтимоий тадиқот натижа-сида футболчи Зайниддин Зидан 88 ёшли бевалар Зидан Аббат Пьерни бу ҳимоячини четлатиб қўйди. Ундан ташқари маъзур шахс танилган французлар ичиде энг ёши бўлиб, бу йуналиши-да ҳам рекорд ўрнатди. Баъзи мухассислар ҳозирги замон янги қаҳрамони жазоирлик араб футболчи-си бўлганини ўзига хос бир тўнтариб ден баҳола-моқдалар. Бу каби сўровлар 20 йилдан бунён ўтказилаёт-ган бўлса, 50 та энг таниқли одамлар рўйхати бошида одатда икки киши исми галма-галдан турар эди. Французлар йиғирма марота-ба биринчи ўринда денгиз тадиқотчиси Жак Ив Кусто-ни олиб қиқшган.

Аббат Пьер эса бу унвога ўн уч маротаба эришган бўлган. Энди эса идеал дея ёш ва навқирон, футбол

ҲАМКОРЛИК
БАНКИРЛАР УЧУН
МАШҒУЛОТ

Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлиги мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси Миср ва Марказий Осиё давлатлари, айниқас, уларнинг пешқадами Ўзбеки-стон ва қўшни Қирғизистон, Тожикистон республикалари-даги банк ходимларининг са-лоҳияти ва малакасини оши-риш мақсадида 25 октябрдан то 3 ноябргача Тошкентда ўқув-тажриба алмашуш маш-ғулотларини уюштирди. Ма-шғулотларда юқорида номла-ри зикр этилган мамлакат-лардан 30 нафар банк ходи-ми иштирок этмоқда.

Машғулотлар Тошкентдаги Банк минтақавий ўқув мар-кази билан ҳамкорликда амал-га оширилмоқда. Унда Миср—Америка бан-киннинг ижрочи раиси Абу Бакр Хошим Абу ан-Нил, Эк-спортни тараққий эттириш Миср банкнинг бош раис муовини Мухтор Мухаммад ал-Гамал ҳамда Миср халқаро банкнинг Бош мудирини Басант Аҳмад Фаҳми хоним маъруза қилишди.

Маърузалар аудиторлик, молиявий ҳисоботларни

кўриб чикиш, молиявий таҳ-лил, жорий баланс таҳлили, кредит олиш ва кредит бе-риш, молиявий операциялар-нинг сифат-савиясини таҳлил қилиш, валюта конвертация-си низоми, банк бошқаруви ва унинг муаммолари синга-ри мавзуларини ўз ичига ол-ган.

Шуниси эътиборга лойиқ-ки, Мисрнинг МДХ давлатла-ри билан техникавий ҳамкор-лик жамғармаси Ўзбекистон-даги турли ташкилот ва му-ассасалар билан ўзаро ман-фаатдорлик асосида яхши ҳамкорлик ўрнатган. Жамғар-ма хоҳ Мисрда, хоҳ Ўзбекис-тонда бўлсин, дипломатияга, оммавий ахборот воситалари, банк, геология сингари қатор соҳаларга оид ўқув-тажриба машғулотларини уюштириб, уларга ўзбекистонлик мута-хассисларни тақлиф этиб кел-моқда.

Жамғарма Бош котиби элчи лавозимидаги Ашраф Завъзав жаноблари ўтган йили Ўзбекистонга таширф бую-риб, республика ҳукумати маъсулларини билан ўзаро ҳам-корликни ривожлантириш

КЎРГАЗМА
СОТУВДА...
“ЭКСПО-2000”

Германиянинг Ханновер шаҳрида бўлиб ўтган “Эк-спо-2000” Умумжаҳон кўргаз-маси нафақат аср ниҳоясида-ги энг сўнгги ва энг йирик кўргазмалари, балки баъзи кутилмаган тадбирлар билан ҳам дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортиди. Гап шундаки, иштирокчилар ўз маҳсулотларини қайтиб олиб кеттиши келмай, уларни ким ошди савдосига қўйишни лозим топди. Масалан, японияликлар ўз компьютер-ларини шу ернинг ўзиде са-лотиб юборишга азму қарор қилди. Қолаверса, сотилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи учун бепул реклама сифати-да ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам 150 та давлатдан таширф буюрган катнашчилар кўргазма якунланишига бир ҳафта қолганда ўз экспонатларидан тезроқ қутулиш пайига тушиб қолди.

Бу ноб ким ошди савдо-сида қўнлигини истеган нарсани — компьютерлардан тортиб автобус бекатлари-га сотиб олинишига мумкин. Сотувда яттоқи “Экспо-2000” бош котиби Биргит Бройл хоним шу кўнларда ҳам ўтириб келётган қора, лангланган ёзув столи ҳам қўйилган. Ташкилларга қўра, кўргазма 30 миллион негис маркаси миқдориде даромад келтиради. Шуниси диққатга

Дунё айвонида содир бўлаётган энг сўнгги янгиликлар, воқеа—

ҳодисаларни INTERNATIONAL LIFE саҳифасида ўқийсиз. Бунинг учун албатта “ХУРРИЯТ”ГА ОБУНА БУЛИНГ!

ДИНОРА ҲАМРА

ДИНОРА ҲАМРА

ДИНОРА ҲАМРА

ДИНОРА ҲАМРА

ДИНОРА ҲАМРА

ДИНОРА ҲАМРА

ГАРОЙИБОТ

“ЕТТИ ХОНА” ГОРИГА САЁХАТ Форишда, Етимтоғ чўққисиди...

Ойбек Унаров — Жиззахнинг Фориш туманидаги “Богдон” ширкат хўжалиги молия-хисоб маркази бошлиғи. Тошкент аграр университетини битирган. Асл касби ҳисобчи бўлса-да, табиат шайдоси. Эринмайдиган, ҳатто унча-бунча одамнинг ҳаёлига келмаган саёхатларга жазм этаверади-деган одати бор экан. Куйидаги ҳикояси бунга яққол мисол бўла олади.

...20 йилларнинг охири. Бу тоғ худудларида “Богдон”, “Чимкўрғон” хўжалиқлари ташкил этилди. Шўро ҳукуматини тан олмаган бой-бадавлат кишилар колхоз-совхоз тортиб олган мол-ҳолларининг баҳридан ўтиб, хорижда хижрат қила бошлади. Улар орасида Абдурахмонбой ҳам бор эди. 40 минг кўй-кўзи, 500 бош от, 300 бош тую қўлдан кетди, бой тақдирга тан берди ва кўлига илинган бисотини олиб, Афғонистон сари юзланди. Йўлда юз беражак хатар хавотирида икки пуддан ортиқроқ тиллани “Етти хона” горининг энг юқорисига кўмди, устидан фақат ўзигагина маълум белгилар ўрнатди. Орадан қирқ йил ўтди, тунги ўғли қирққа чиққанида уни шу ёлқарга жўнатди. Абдурахмонбойнинг ўғли “Етти хона” горига чиқди, отаси берган чизма асосида чўққи тепасидаги тош уюмининг оча бошлади. Бир йил ичкиди, уни отди. Иккинчи, учинчи... У еттинчи илон кўринди, ҳаммасини отди. У отаси кўмган оспилларнинг барини топди, топса олиб кетолди — ҳеч қим билмайди... Тошлари қавлаб ташланган чўққарча ёнида ёлғиз ўтириб, саратоннинг иссиқ шамолда бетимини тугганча бир пайлар кулоғимга чалинган ана шу ривоятнамо ҳикояни эсладим.

Фориш тумани худудидан ўтган Нурота тизма тоғларидаги Етимтоғ чўққисини Писталитоғ ҳам дейишади. “Етти хона” гори ўша ерда. Шу йилнинг еттинчи ойи, яъни июлнинг 16-куни олти йилгитинчи олиб, ўзим билан етти киши бўлиб, Етимтоғ чўққисига кўтарилидик. Денгиз сатҳидан 557 метр баландликда бўлмиш чўққи тепасида аввалига етти хонали фориш топиш осон кечмади. Турли катта-кичикликдаги бошқа форишлар бизни кўп чалғитди, шунга қарамай астойдил изланишимиз самара берди. Оғзи катта харсанг тош билан тўзилган гор оғзига рўпара келдик. Тош орасидан ёнламасига амаллаб ичкарилади. Биринчи хона чоккина экан. Иккинчи хонага кириверишда озгининг диаметри 1,5 метрли кудук бор экан. Кудукни айланчиб ўтиб, қирқ метрга юриб, иккинчи гори ўтдик. Шу тариха горнинг кейинги хоналарига ичкарилаб боравердик. Фор хоналари Шарқдан Гарб томон қўзилиб кетган, ичкарилаганимиз сайин хоналар ҳам катталашиб борарди. Ниҳоят, еттинчи хонанинг тўрида иккита катта тош бир-бирига суяб қўйилган, чамаси, шу тош томон қараб ибодат қилинган. Фориш худди шу еридан сув томичилаб турган. Биз у ерда бўлган кунимиз саратон кезлари шекилли, сув томичили тўхтаган, сувнинг яқинда тўхтаганили...



Фориш тумани худудидан ўтган Нурота тизма тоғларидаги Етимтоғ чўққисини Писталитоғ ҳам дейишади. “Етти хона” гори ўша ерда.

Экспедиция текширишларидан сўнггина аниқ жавоблар топишар, лекин менинг хаваскорона хулосаларим шунки, етти хонали гор анча кудратли бўлган ҳукмдор томонидан, жуда катта кучлар жалб қилиш орқали қурилган. Минглаб ишчи кучлари иштирокисиз бундай ишшоот бунёд этилганига ақл бовар қилмайди. Яқин-атрофдаги горлар ва горчалар пистирма вазифасини ўтаган. Ким билсин, бу горлар Искандар Зулкарнайн ёки Чингизхон даврида қазилган чилар? Улғубек ёхуд Али Кучди маслаҳати билан бино бўлгандир?.. Ҳудуд ундан ҳам илгарироқ — еттинчи иккимга юриш олдидан буюк Амир Темур... Албатта, булар менинг шайхий таҳмин ва фаразларим, аниқ ва илмий хулосалар мутахассисларга тан.

Форишнинг саккизинчи хонасини ҳам қазиб бошланган-у, негадир тўхташиб қўйилган. Учинчи хона деворида қўл билан чизилган чизма бор. Ким билсин, бу чизма горда ёки гор ташқарисиди кўмилган... Абдурахмонбой ёхуд бошқа кимсанг тиллолари кўмилган хазинага ишора бўлмасми?.. “Етти хона” горига чиқиб тушишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин бу ернинг табиати ниҳоятда гўзал, хушманзара. Инсоннинг оёғи етмагани боис ташландик, овлоқ бўлиб ётибди. Қани эди, Чимён мажмуасида бўлганидек, осма йўллар қурилса, ишқибозлар томошагоҳига айлантирилса!..

...Фордан қайтиб тушганимизнинг иккинчи кунини тушимда еттинчи хона тўридаги кўшалоқ тошини кўрдим, бир пайт тош улкан қора ўрғимчакка айланди, ўрғимчак хисобисиз оёқларини ҳаракатлантириб менга таъовуз қилаверди...

Форишнинг саккизинчи хонасини ҳам қазиб бошланган-у, негадир тўхташиб қўйилган. Учинчи хона деворида қўл билан чизилган чизма бор. Ким билсин, бу чизма горда ёки гор ташқарисиди кўмилган... Абдурахмонбой ёхуд бошқа кимсанг тиллолари кўмилган хазинага ишора бўлмасми?.. “Етти хона” горига чиқиб тушишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин бу ернинг табиати ниҳоятда гўзал, хушманзара. Инсоннинг оёғи етмагани боис ташландик, овлоқ бўлиб ётибди. Қани эди, Чимён мажмуасида бўлганидек, осма йўллар қурилса, ишқибозлар томошагоҳига айлантирилса!..

...Фордан қайтиб тушганимизнинг иккинчи кунини тушимда еттинчи хона тўридаги кўшалоқ тошини кўрдим, бир пайт тош улкан қора ўрғимчакка айланди, ўрғимчак хисобисиз оёқларини ҳаракатлантириб менга таъовуз қилаверди...

Ойбек УНАРОВ

ФЕЛЬЕТОННАМО

ТҮРТ ЙИЛДА БЕШ МАРТА СУД БҮЛДИ

Пекин ўз уйимни олиб беролмади, бизни қалақа қилишмаяптимикан, ишқилиб?..

Тўққиз қиз ва бир ўғилни туғиб, воёга етказдим, ёшим бир жойга етди, лекин қонун нима эканини билмадим. Қаҳрамон онаман деб, юравердим, одамлар билан инфоф-диёнлатдан келиб чиқиб муомалада бўлидим. Жиззахда Работ хўжалиги бор-ку, ўша ердаги Кўрпа — қишлоғига келиб бўлиб тушганман, ўша ерда яшадим, қонунга ишм тушмаган. Бола-чакам тинч, рўзғорим бут бўлса бўлди-да!..

Ора-чора уйингизга кимдир кириб олибди, деган узунқулоқ гаплар ҳам етиб борди, кирса-кирар дедим, ҳамқишлоқлардан бирор-яримнинг хожатини чиқарса чиқарасурин, қайтага чирогини ёқиб ўтиради дедим. Билсам, тўқсон учинчи йили Тоғоев Эгам дегани болачақаси билан кириб, жойлашиб олган экан. Орадан бир неча йил ўтди, Кўрпага бориб, ўз уйимга киролмасам-а! Вой, тавба-а! Эгамнинг болалари дарвозасидан йўлатмади. На кўзимга, ишонман, на қўлоғимга!.. Унга бордим, бунга маслаҳат бердим — қаёқда! Судага йўлиқинг, дейишди! Қонун борлигини эшитишга эшитганим-у, бир овлоқдаги қишлоққа қонун зарилми, деб ўйлагандим. Зарил бўлиб қолди, айтишларича, қонун қитобига қаралса бас, уйим-битобим, жой-жойида ҳақиқий эгасига қайтарилади, дейишди. Утан йилли эди, Жиззах тумани суди бўлиб, ҳақиқ рост, қонунга ёрдамда эски уйлар ўрнида янгисини тикладик, нима бало урди-ю, қонун тракторчи эди-да, қўлги қўлни тусаб қолса денг! Бундан роса ун ун йил бурун қонунга эргашиб Пахтакорга кўчдик. Кўрпадаги уйимизни кўйим раҳматли бўлиб, ёш гўдақлари билан бева қолган Махбуба қизимга қолдирдик. Орадан ун йил ўтди-ёв, Махбуба тушмагур қийналиб қолди, унинг рўзғоридан хабар оладиган одам йўқлигини, кўчиртириб ёнимга олиб келишдан бўлак чора топмадим. Уйни, қўрпалик қариндошимиз бор, Хидирвой, Мингбоёв дейишди, вақтинча унга қолдирдик. Хидирвой ҳам икки йилча яшаб, Учтеллага кўчди.

Соддалик гурсин, мен алай-балай дегунча, вилоят судида, Холмуродов дегани бор, судья, ўша мажлис ўтказибди-да, уй — Эгамбойники, деб хат қилиб берибди. Иш бу билан битмади, битиш тугул, сарсон-саргардонлик бошланди десангиз! Қўрпага бундан судида қатнадим, менга қолса, елқамнинг чуқури курсин, ҳеч муслмон банданинг хожати тушулук қилмасин, лекин мен қатнадим. Қатнайн-вериб оёқларимда оёқ қолмади, тоқатим тоқ бўлди! Қўрпадаги уй меникими ё Эгамникими деган можаро беш марта судда кўрилди ҳамки, ҳаққат топилмади. Нима, утан йили ишимизни бир ўтиришда қўриб, бирёқ қилган Жумагул Пулатова қонунни билмаганими? Беш марта суд қўрилди, ҳолис ақлим чўра олмаётган судьяларнинг, нима, қўлида қонун қитоби йўқми? Э уларнинг қўлидаги қитоб бошқами? Ундай десам, қонун қитоби ҳамма ерда бир хил, дейишди. Фақат-миш, юқори инис...тан...сия бекор қилаётганимиш. Бунақа сўзларга тилим келишмаса, жўрроқ тушунтириллар десам, “олди-сотди пишган экан” дейишди. Ана, қилсан! Яна қанақа олди-сотди? Ким қай гўрдан топа қолди бу вақини?

Тоғоев Эгам ҳам шу вақини маълумқилди. “Тўқсонинчи йили кўшимизнинг тўйиндан чиқиб келаятиб, Саидмурод Фойибназаров гирт мастликда 4900 сўмини санаб олиб, уйини менга сотган” дебди. Қон-а-а, баҳонани топанганини қаранг! Қонун бунга бошқача қилиб айди. “Тўйда ўтирган-ди, Эгам уч-тўрт кишини қўрда-қўймай ўйига бошлади, улоқ сўйди, беш ишира арқони бўшатдик. Каттик уган эканман. Эгам чўпон эмасми, менга қарашли молхондан фойдаланиб юрарди, ижара эвази деб

қўлимга бир даста пул тутқазди, молхонани саксон еттинчи йилдан бери ўшага бериб қўйгандим-да!.. Орадан уч-тўрт кун ўтиб қишлоқда “Саидмурод уйини Эгамга сотибди” деган гап тарқади. Халлослаб етиб бордим, дароғини эшитган Эгам жуфтанин ростлабди, пулни нақд қилиб болаларига тутқазди, уламан саттор олмаман деб туриб олди. Қаловлабим, селсоветга йўлиқдим, “Хидир Мингбоёв вақтинча яшайтими, чўчманг, хотиржам бўлинг, уй сотилмаган, сизники” деб мени тинчлантиришди. Эгамбой молхондан фойдаланиб юраверди, Хидирбой қўчғач эса уйимни ҳам эгаллаб олди.

Орадан, манва, тўрт йил ўтди ҳамки, урғим судма-суд сарсонликда ўтапти. Базан уйларда қатаман, башарти, шу йилларда сарфлаган пуллариимизни жамгарганимизда низога сабаб бўлаётган уйдан кўра каттарок уй сотиб олсам ҳам бўларди. Икки қайта Жиззах тумани, икки қайта Пахтакор тумани, пироварди вилоят судида — жами беш қайта қўрилди, қўрилди, уйимизнинг ҳақиқий эгасини аниқлаб бериш бирортасининг қўлидан келмади. Нима эмиш, ўша уйимлагу улоққанинг гўштининг ковриб

Қаршигул ФОЙИБНАЗАРОВА Кўрпа қишлоғи

ТАХРИРИЯТДАН: Мақола оддий қишлоқ аёлнинг тилидан ёзиб олинди. Гап онахоннинг қонунга, қонунчиликка муносабатиди эмас, гап — жойлардан қонундан тўғри ва қатъий фойдалана олинмаётганликда! Кампир масалани жўрроқ бўлса-да, ниҳоятда тўғри қўймоқдалар, ахир, нима, қонунларимиз бир низоли можарога ойдинлик киритолмайдиган даражада шу қадар маъмуми? Шу қадар ношудми?! На туман судлари, на вилоят суди бир уй можаросини ҳал қилиб бера олма-а?! Шу масаланики, тўрт йилдан буён беш марта судма-суд сургаб юрилган экан, нима, туман ёки вилоят судининг, судьяларнинг бошқа муҳимроқ юмушлари йўқми?!

Тегишли идоралар шу хусусда ўз ёрдамларини аямаядилар деган умиддамиз.

ТАЭКВОН-ДО

ГОЛИБ — ЙИГИТЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эзгу ишни амалга оширишда эса спортнинг аҳамияти бекиёс.

Дарвоқе, улар ўзларига юлганган ишончини юқори даражада оқлаб қайтишди. Ким пухта ҳозирлик қўрган бўлса, рақибларини мағлуб этиб, медаллар сари олға интиларди. Ўзбек таэквондчилари ўзининг нимага қодирлигини исботлаш учун астойдил меҳнат қилишди. Бакиларимиздан Д.Боймуродов, С.Мухаммадминов, У.Ботиров, Р.Топилов, И.Вахобов, Д.Саломов, Б.Отажонов олтин, Ф.Умаров бронза медалларини олиб қайтишди.

Россиянинг Сочи шаҳрида Таэквон-До бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унга ўзбекистонлик спортчилар ҳам тақлиф этилди. Ўзбекистон Таэквон-До Федерацияси тавсиясига кўра чемпионатга “ЖАР” спорт соғломлаштириш маркази спортчилари лойиқ деб топилди.

Чемпионатда дунёнинг 34 мамлакатидан вакиллар қатнашди. Спортчиларимиз Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, голиблик шохсупасини эгаллаймиз дея ният қилиб, йўлга отланишганиди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон жамоасининг мураббийси Жаҳонгир Боймуродов. — “Умид билан суқилган таёқ, бир кун берав мева-ю япроқ” деб ёзган шоир нақадар ҳақлигимиз натижалари исботлади.

Мадинабону ДИЛМУРОД-қизи, “ЖАР” СКСнинг матбуот маркази муҳбири



Мадинабону ДИЛМУРОД-қизи, “ЖАР” СКСнинг матбуот маркази муҳбири

БИР ЮРТНИНГ БОЛАСИМИЗ

(Шоир ва ёзувчилар)

Эркин Аязам Бойсундан, Усмон Азим ҳам шундан. Пошхўрдадан Нодир Нормат, Кўрпанин кетди, номард! Тоғай Мурод беаёв, Девондор чиккан олов. Кунмурғондан Эшқобил, Юрар олгандай Нобели.

Ўзимизнинг оғамиз, У энгу биз ёқамиз. Азим Сулоян — тўғори, Нуротанинг тулғори. Нолимас ҳеч омаддан, Мухаммад Марҳаматдан. Бор-чун Садриддин Салим, Бухоро балки солим.

Шавкат Раҳмон доим жим! Ҳарқиз топламди тиним. Жилдирайди, сол қулоқ, Ушдан бўлур бул бўлоқ. Қаршиликлар ўлади, Суврангиз биллади. Ҳар гийёқ, ҳар қамишини, Исмоил Тўхтамишини.

Икром Отамуродага Етсанг, етдинг муродага. Тонмас ҳеч вақт лафзидан, Касийп эмас, Касбидан. Бедалининг дилин тоғди, Ўз дилин-тилин тоғди. Матназар Абдулҳаким Урганчдан бўлар қадим. Бир қўлса Наби Бокий, Қочғай қор қандай ёғий. Бағдоддан бўлар асли, Мўғулга ментгар насли. Мурод Мухаммад Дўстни, Қадим қўймади дўстни, Исламағил Самарқанд, У ҳошур жуда ҳам банд. Айтсин олам сайридин, Паркентдангир Хайридин. Айтсин дил қўшларидан, Бобурнинг тушларидан.

ЖИДДИЯ “ДУРБИН” ХОЛА

Ёзувчи Мухтор Худойқулловнинг “Меҳмон ови” ёхуд ўйлаб топилмаган ҳикоялар” китобидан шингил

Бу хотиннинг лақаби “Дурбин” хола. Худди Андерсен эртаклари асосида олинган мультифильмдаги совчи-қаламушни эслатувчи, қок суяқ, кирра бурун бу аёлнинг бўшадай лақаб бўлишига сабаб унинг кўзлари ўткирлигиндан. У ўша кирра бурунлари устига ўрнатилган кўзойнаги билан ҳамма ёқни, жуда узокни ҳам кўра олади. Мабодо у меҳмонхона олдидан турган бўлса ўзидан икки-уч бекат наридаги — хув Миробод бозори олдидан ўтиб бораётган одамни ҳам бемалол танибди ва “шу одам меникида ётган”, дейди. Наима опа (бу аёлнинг асли исми шундай) Шариф ақанинг ораси, келиб чиқиси бўйича ярим русу ярим ўзбек, доим ўзбекча гаплаганмаса ҳам (гоҳ-гоҳ жаҳлди чикқанда “Бог мой” деб кўяди), баъзан келган меҳмонни у эмас — бошқалар олса жаҳли чикиб: “Ха, мен булардака қилиб чиройли гапиролмайман, чиройли гапга учманлар, меникига бориңг-ундан қийин. Бунда унинг заррача гуноҳи йўқ. Лекин, ҳарқалай, негадир у бўлса меҳмон олиш қийнлашади, ўзи ҳам шу ярим кечгача одам ололмай мик этмай тураверарди.

Наима — “Дурбин” хола ҳар кун юпка саргимтир плашига уралганича меҳмонхона тарафга йўл олади. У биздан бир кўча нарида туради, аммо кўпична бизнинг кўчадан юради, бунинг сабабини: “Ўзимизнинг кўчадан ҳа деб меҳмонхона томонга боришдан уялман”, дейди. Бева, ёши олтишдан ошган ва бирон ишга ярамайдиган, наша-ванд ўғли-ю келини, набираларини ҳам шу “меҳмон ови” билан боқадиган бу хотин қариб, бучқайиб қолса ҳам тиниб-тинчимади. Яна одам ололмай қолса: “Булар биздака қари, хунуқникига боришармиди, ёш, чиройлилариникига боришади-да” деб хафа ҳам бўлиб кўяди ва меҳмонларни “мени қари, хунуқ деб тесқари қараб кетманлар, меникига бориңглар, ҳовлим ко-отта”, деб оғдириб олади. Ха, “Дурбин” хола ҳаёт-тирикчиликда узок-узокларни кўрарди.

“МУЗЛАТГИЧ”

— Оббо, ана музлатгич келаяпти, энди ҳамма нарса музлайди, — деб тўғиллабди кўяди Тўламант ака ўзоқдан Шариф ақанинг ўғли Вали (Валентин) кўриниши билан. — Жуда оёғи ёғир-да шу қиста-лоқнинг... Валентин эса бу гапдан беҳабар ҳамма билан сўрашиб, “ов” майдонига кириб келади. Мен у билан тегишиб, сўрашаётиб пальтомнинг ёқасини аста кўтариб кўяман. — Хи, ўзинлар ҳаммаёқни музлатиб энди менга тўнка-аппеларий? — дейди Валентин илжайиб. — Қанинди, сизлар турганда ҳаммаёқ “иссиқ” бўлиб кетса... Валентиннинг гапи тўғри, меҳмон барибир қам, олиш

кўради. У жуда сабр-қаноатли, укасига ўхшаб биров гаплайиш турган меҳмоннинг устига от солмайдди, кутиб туради, ёки бўлмаса бошқа шариклари билан “сиёсатбозлик” билан шуғулланган-шуғулланган. Баъзан ярим кечасигача туриб уйига қурак кетади. Биз, у меҳмон олса: “Хайрият, “музлатгич” ҳам олди, энди иш юришиб кетса керак”, деб ҳурсанд бўламиз. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди, кўпична у уйига қурак кетади. Манва, меҳмон олувчилар орасида елқасини қисганича Вали — “музлатгич” турибди. Меҳмон йўқ, иш музлаган. Начора?

Пародия МЕН БАРИБИР СЕВАМАН

Севган эдим, ҳамон у суюқли ёр, Билагиди бармоғимнинг изи бор... Озоданинг бир ўғли, бир қизи бор... Мен барибир севаман Озодани. Қўшқалдан Пўстнинг менинг зўр эчки теридан, Дўстларим бор ҳайвонларнинг шеридан, Чўчиримдин севгилимнинг эридан, Мен барибир севаман Озодани. Хом бўлса ош агар қошиқда айбми? Бирга ўсган бўлса машуқда айбми? Етишмаган бўлса ошиқда айбми? Мен барибир севаман Озодани. Гоҳида дўпмин олиб хўш дейман мен, Севгисидан кечганин бўш дейман мен, Бу йўлда балки гоҳ мушт ейман мен, Мен барибир севаман Озодани. Тушунганлар қучиб олсин муччини, Тушунмаган олсин майли ўчини. Каминангиз ишлатмағай кучини, Мен барибир севаман Озодани. Нима деса дейверсин одамлар, Учалмасинлар олсин ахир қадамлар. Ўтиб кетар тевда ахир бу дамлар, Мен барибир севаман Озодани. Сўйлагайман потини-ю потини, Четда бун эркинлик дер отини. Эри эркин, эркин хатто хотини, Мен барибир севаман Озодани. Пўстини менинг зўр эчки теридан, Дўстларим бор ҳайвонларнинг шеридан. Кўрқаримдин севгилимнинг эридан, Мен барибир севаман Озодани. Абдуразақ ОБРҮЙ

ҲАНГОМА ОПЕРА ВА БАПЕТ НИМА? ЯНГИ КҮЗОЙНАК ЭЧКИНИНГ ШОХИ БОР...

Ўқувчилик вақтимда қизик-қизик воқеалар бўлиб турарди. Бир кун ўқитувчимиз биздан: “Опера балет” сўзининг ўзбек тилида нима дейилишини сўради. Ҳамма жини. Бироздан сўнг мен кўл кўтардим. Шунда ўқитувчим “Айт!” — деди. “Опера — ҳамма, балет — касаллар”, — дедим мен. Ўқитувчим қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди. Талабалик пайтимда нимадир бўлдиқо кўзойнагим синиб қолди. Анча вақтгача кўзойнақ ололмадим. Бу орада бизга рус тили фанидан дарс бошланди. Доимо биринчи партада ўтирардим. Бир кун янги кўзойнақ олиб дарсга тақиб бордим. Шунда ўқитувчимиз менга қараб: “Ты новинки?” — деб сўради. Мен эса “Нет, очки новинки” — дея жавоб қайтардим. Свидетельство о базовом образовании № UZK 040429 на имя АКАПАН Альберт Рафаилович выдано 1996 году школа № 55 г. Ташкента считать недействительным. Хонбиби ХИММАТ қизи